


АЪЗАМ ОБИДОВ

СОФИНТИРИБ КЕТГУМ ҚАДАМЛАРИМНИ

Шеърлар



МЕН ҲАМ...

Мен ҳам бир яралмиш,
алҳамду лилло,
Кимни хуноб қилдим,
кимга ярадим.
Мендан
умид қилиб бўлмади,
илло
Фақат...
ўпкаласа бўлаверади.

БИР ҚУШ БОР...

Мен бир қушга ўхшар эмишман,
Мослик топиб ҳар йил фаслига,
ўзимни ҳам танийман қисман,
Энди қанот чиққан, аслида.

Лекин мени ўхшатманг, ҳайҳот,
Қуруқ номга мадҳия айтиб, -
Шундай қуш бор, этсанг-да озод
Учиб кирар қафасга қайтиб.

Мени ўша қушга ўхшатманг!



БОКИРА ТУШЛАР

Ҳар кеч киригимга илашар юлдуз,
Қошларим ортидан ой чиқар дилхун,
Қалбим дарбозасин чертибон, маъюс
Ишқли қароғимга меҳмон бўлар тун.

Ҳар кеч, кечолмасман, кўксимни эзиб,
Самога тортқилар покиза қушлар,
Сиз йўқсиз, ўзимиз учолмасмиз, деб
Тўлғониб чиқади бокира тушлар.

ОЗОР НАДИР

Озор нима, бўлурмиз зор-зор,
Фироқ надир, йироқ-йироқ йўл,
Бу дунёга келурмиз тор-мор,
Кетажакмиз севгига мўл-кўл.

Оҳ орқали топурмиз паноҳ,
Юрак зил-зил, сохта хандалар.
Бу шундайин бебақо фано —
Ишқдан ўлар ишқсиз бандалар.



ОҲ, ГУЛ ДИЛИМ

Кўларимга етади кучим,
Қўлларимга боғлайман кишан,
Муҳаббатни юраман ичиб,
Ҳузур қилиб ейман ишқтикан.

Оҳли, ёқут ҳаётимизга
Паноҳ сўраб ҳумо келадур!
Биз учгаймиз, қанотимизга
Яқин-яқин само келадур!

Вужуд билан ишим қолмади,
Оҳ, гул дилим руҳимга пойтахт!
Кўз илғамас ишқий кулбада
Кўз ёради овироёқ Бахт!

ЙЎЛИМНИ ПОЙЛАЙДИ МУЪЖИЗА

Ўрганиб қолсайдим ўзинга,
Яшолмай қолсайдинг менсиз ҳам.
Севгимизга армон исинса,
Кўксимизда ёнса унсиз ғам.

Кўзимда ялтироқ умид бор,
Алданган чиқмайин даҳрга.
Бу севги меңдан-да умидвор,
Сени ҳам қилажак сеҳрғар!

Тилимга қалқир сўз энтикиб,
Дилбарим, бокирам, ожизам.
Юракка меҳрдан тўн тикиб,
Йўлимни пойлайди мўъжиза.

Алҳол қалб анчайин эзилган,
Жимгина юрибмиз тўнсиз ҳам.
Лек бир кун ўргансам ўзинга,
Яшомай қоласан менсиз ҳам!

ҚУРБОНЛИК

Секин кесиб олдим...
Бошимдан бошлаб
Озгин қўллариму оёқларимни.
Тилим ҳам атиги экан бир тишлам,
Кўзларим тарк этди қабоқларимни.

Кўксимни иккига ажратдим шартга,
Аъзоим қолмади тиф тегмаган, тик.
Шукур, умрим бўйи энди бир марта
Ўзимдан орттириб қилдим қурбонлик.

Қурбим зиёфатга етмай, наилож,
Тарқалишди олиб кераклигини.
Ё раб, теккани йўқ ҳеч битта муҳтож,
Кўриб қонга ботган ЮРАКлигини.

КЎНГИЛГА ИФОРЛИ БАҲОРЛАР БОРДИР

Мен гуноҳ қиламан ёлғиз ўзимга,
Қутқара олмайди соддадил ҳаёт.
Сендан қўрқмагайман, фақат кўзингга
Тик ҳам қаролмайман иқтисодиёт.

Кўнгилга ифорли баҳорлар бордир,
Замин, осмон олсин заҳматларингни.
Бас, энди ҳеч кимга айтмайман, тақдир,
Тиллари музлаган ҳасратларимни.

Ахир гуноҳ қилгум ёлғиз ўзимга,
Иқтисод, сиёсат, тутмам барингни.
Она, лабим боссам оппоқ изингга,
Отам, қучиб ўлсам оёқларингни!

НЕГА СИНИҚ ОВОЗИНГ, ШОИР?

Нега синиқ овозинг, шоир?
Сўз айтмоқ-чун ҳурликка доир —
Садо керак, садо керак!


Дилда зарра мараз бўлса гар,
Бошиданоқ, ғараз бўлса гар,
Адо керак, адо керак!

Гуллаб ётган ҳою ҳавасдан,
Ва ё оғу — ичилур қасдан
Жудо керак, жудо керак!

Ҳар одамнинг ўрни бор юртда,
Бул Ватанга лоақал битта
Фидо керак, фидо керак!

Шаҳдинг қани, чиқибсан йўлга?
Ҳар сония забону дилга
Худо керак, Худо керак!

Нега синиқ овозинг шоир?
Сўз айтмоқ-чун ҳурликка доир —
Садо керак, садо керак!



ҚИШЛОҚ

Кўнгилни бузади ивиган тупроқ,
Қуёшни унутган дарахтлар ухлар.
Сувсиз ариқларнинг юмуши — қутмоқ,
Кенгликлар кўради қўрқинчли тушлар.

Фалсафа тўқийди ўзича ҳар ким,
Шукур, деб ул сахий осмонни мақтар.
Совуқ кўсақлардан қолмайин фарқи
Хўмрайиб қарайди бир чигит пахта.

БЕВА

Худонинг биргина каломи билан
Отасиз туғилди Исо онадан.
Сен Биби Марямнинг қайноқ меҳридан
Қонмоқни истаркан, йиллаб ёнасан.

О, Бибим, вафонинг йўллари узун,
Ўтинчим, сиз унга тилангиз тўзим,
Эгилган бошини кўтармоқ учун
Самодан тушсайди Худонинг сўзи!



ҲАЁТ

Ҳаёт, боқсам, ўзинг бир куй
мисол ёр-ёрга ўхшайсан,
Эриб кул бўлмишам охир
очиқ мозорга ўхшайсан.

Сенга ким келмади сўнгинг
кетишда тонг-ла сарфаймиш,
Ўқулса ҳеч адоғи йўқ
қаро ахборга ўхшайсан.

Ёшим ўттизга кетмишдир,
танимга куч қўшилгай бот,
Недир дерлар ичим тўлса,
фақир беморга ўхшайсан.

Ўзимни нотавон кўргач,
сени дўстимга тенглатдим,
Билинтирмай елиб кетмақдасан —
ағёрга ўхшайсан.

Кўнгил кўзи билан кўрмак,
эшитмак дил билан даркор,
Демак, кун ўтмади бекор,
агар беморга ўхшайсан.

Бу олам сайри пойингда
насибанг қўп узун бўлгай,
Наҳот алдаб кетарсан, ваҳ,
магар тақорга ўхшайсан.



КЕЧИРИМ

Мен – асли ҳеч нима билмаган банда,
Ақлимнинг сўнггида бор сўроқ белги.
Ҳаёт – у дунёга берилган фойда,
Пешонангни ёриб яшамоқ – кулги...

Дунё, оқшомингда бўлмасин хатар,
Қўрқиб тўлғонмасин сарсона тушлар.
Тонгнинг қулоғидан тортиб уйғотар
Деразам олдида шукурли қушлар.

Мен кетсам ярим бир кечда уйғониб,
Серғалва умримнинг ғавғоси жимжит.
Қарадим, ташвишлар кетмишдир ёниб,
Сўрадим - кўнглимга тўкилди умид!

Кечир, балки умрим йўлаклари тим,
Юракка бир меҳр экканим сийрак.
Оҳ, минг бор ўзинга юкиниб келдим,
Фақат Сен истаган жон бўлмадим, ҳақ!

Мен – асли ҳеч нима билмаган банда,
Ақлимнинг сўнггида бор сўроқ белги.
Ҳаёт – у дунёга берилган фойда,
Пешонангни ёриб яшамоқ – кулги...



МУҲАББАТНИ ТУҒИБ БЕР, АЁЛ!

Севги, сағир бағримга тўкил,
Дунёнинг ғам ёмғири тинди.
Ҳада қилдинг паҳлавон ўғил,
Бир муҳаббат туғиб бер энди.

Бир муҳаббат... кўнгилга далда,
Ўт тафтидан чекинсин зулмат!
Мен нафратга эмасман банд,
Тўлиб турган меҳрга қулман!

Қалбим, сенга очдим дунёни,
Гар билмасанг, куйиб нетарман?
Шу жаҳонга топиб имконин
Ақал бир бахт бериб кетарман.

Севги, сағир бағримга тўкил,
Кет, умримни куйдирган хаёл!
Ул омонлик юртига вакил —
Муҳаббатни туғиб бер, Аёл!

ЭРТАК

Нимага ўтинни баҳона қилиб,
Қизингни ёлғизлаб қўйдинг, отажон?
Чироқ кўринмади, қоронғи йўли,
Ўрмон қучоғида қолди чалажон...

Сеҳргар моможон, қаёқда эдинг?
Зумрадга келмасин энди ҳавасинг.
Отажон, отажон, келтиргин ўтин,
Совқотиб кетди-ку унинг боласи...

МЕН ЎША

Мен ўша...
Мен ўша ёлғизлик
Паноҳи бўлган дилдайман.
Юраксиз, бечора, ҳолсиздек
Севиш-севмасимни билмайман.

Мен ўшаман, ғамнинг бўйлари
Вужудидан турган таралиб.
Ва истовчи - кўнгил кўйлаги
Қолишини ишққа ўралиб!

Мен ўшаман!

ТУН

Шукур, тинди шовқин. Сукунат.
Уй ортида зерикади ой.
Ухлаётир ҳорғин уқубат,
Титраётган бахтдир, ҳойнаҳой.

Ён атрофда мудрайди девор,
Босинқирар яланғоч тоқат.
Ҳудудсиз бир Ватанни бедор,
Қўрқиб-қўрқиб қўриқлар соат.



МЕН ГУЛЛАРНИ ҚИШГА ЭЛТАМАН


Баҳор яна келиб элимга,
Шаббодалар эсмоқда майин,
Лолалардан олиб қўлимга
Учиб кетгум гўё қушдайин.

Асир бўлиб ажиб туйғуга
Бир нарсага бўламан ҳайрон,
Нечун аёз кетар уйқуга
Кўклам — гуллар очилган замон?

Кўршасининг олиб остига
Меҳр билан сақлаганди-ку,
Шу кўнгилахуш баҳор дастидан
Яна гулсиз қолиб кетди у.

Куз бўлса-чи қуп-қуруқ танин
Қишга дея кетади ташлаб.
Қийналса ҳам ҳаттоки жони
Бағрин очар аёз — оташқалб.

Қўлларимда қишнинг гуллари,
Атрофимда ям-яшил чаман.
Босиб ўтиб баҳор йўлларин
Мен гулларни қишга элтаман!



ОЙНИНГ ДУОСИ

Ўтмиш кунлар шиддати буюк,
Ёлғиз гапга қолғувчи замон,
Фақат дўддан чиқаркан қуруқ,
Соя солмиш бепарво само.

Бу кунларни кўрмаган Темур,
Ўтмагандир учқур отида,
Минг хил зийнат, минг битта қусур,
Айтмоқ мумкин қанча хотира.

Сен ўзингни ўнгла, меҳмоним,
Бу кунларнинг йўқдир қиёси.
Шукур, шукур, осий дунёни
Асраётир Ойнинг дуоסי!

...

Нега ғамга тўлдинг, кўнглингда армон,
Нимадан қўрқасан, ўч туртган қаҳр?
Ахир мен Дантесга айланган виждон
Шундоқ ёнгинангда турибман ахир!



САРАТОН

Бир киприк қоққулик эмиш орамиз ,
Дил — интиқ, Гул — хазон, ишқимиз — омон!
Баҳор келмаса ҳам яшайверамиз ...
Қачон туғилгайдир эркам, саратон?

Тун келар, гўшакка чўзилади қўл,
Совуқ бир сўз билан кетиб қолар жон.
Тонгнинг қовоғидан ёғилмасин дўл,
Эшик қоқмоқдадир ахир саратон.

Ташвишга кўмилган умрим бебаҳо,
Ойнинг ардоғида яқинлашар он.
Қўрқгум ...
Сиз келсангиз, ишқ кетар наҳот,
Саратон, саратон, саратон?!



УЙҒОНИШ

Қўзим кўкка тушди очилган они,
Ў, қаерда қолдинг жоним тафаккур?
Нечун билинмайди менинг ўлғоним,
Ва ё тириклигим нишонаси — нур!

Қотиб қолибди-ку қишнинг чилласи,
Ўзин кўрсатмайди баҳорлари ҳам.
Шунчаки кун ўтса ёшлик йиллари,
Ким суяб яшарди эрта - қарисам?

Ажаб, жисмим ерга қолибди сиемай,
Рухимни жойлаган қафас бунча тор?
Ўзим ўзлигимга отилган тигман!
Йиқилсам, тўрт ёндан суярми бозор?

Хаёлнинг илкига топшириб қўйиб,
Ё раб, дунё менсиз яшабди бехос.
Оҳ, илиқ оғушда ётганим кўйи
Наҳотки олти ой ухлаганим рост?
Наҳотки?..

Қарайман, ҳайратда толмайди қароқ,
Замин мутлоқ ўзга,
Чор тараф — янги!
Устимда ҳайбат-ла отмоқда опшоқ,
Зулумот осмоним,
Қоп-қора тонгим!



ҲАЛИ БУ ДУНЁНИ

Сени бу заминдан кўчиргим келар,
Бутун борлигингни этиб ғайри ҳол.
Қаро тупроққа ҳам суянса бўлар,
Мусаффо заминда кўкарган ниҳол.

Ҳали бу дунёни алдайверар шон,
Бизни ёлғизлатмас дўстона шамол.
Қурисак,
Осмонда қовжирасин жон,
Қуласак,
Паноҳга олар Зулжамол!

АЛВИДО

Кетай, юрагимдан қўлларингни ол,
Пойингга тўкилган жонимни бўшат!
Алвидо, ўзимни англаган хаёл,
Алвидо, азобга кўмилган гўша!

Кетай, фароғатдан чекинмоғим шарт,
Ахир айро тушар йўлимиз бир кун.
Биламан, сен шундоқ қолурсан бегард,
Мен балки яшолмай ўтаман эркин.

Кетай, изн бергил, умрингни тилаб,
Қўл силкиб қололсам эди барига.
Қалбим, оқ муҳаббат, пок севги билан
Тойилиб ўлсам-да рухсатларингга,
Кетай!

ТОМЧИ

Осмон, қароғингдан юмалаб кетдим,
Маҳкам оёғингни турибман қучиб.
Ох, дардли заминга қулаб тушмай жим,
Қанот бер, азизим, ақал бир учим.

Осмон, озоримни кечир, нетайин,
Юрагим қоляпти ахир очилиб.
Бағринга сизмасам, майли, кетайин,
Мунаввар севгинга эркин осилиб.


Осмон, қароғингдан юмалаб кетдим!

ОҚШОМ СЕНГА КЕЛГУМ

Оқшом сенга келгум тонг бўлиб,
Тор кўнгилингнинг ширин азоби.
Йўқ, кўз ёшмас оққан қон бўлиб,
Қароқдаги ишқ инқилоби!

Севишни-ку билмайман ҳали,
Битган эмас қалб парчалари.
Руҳи жоним забт этмиш вале
Ишқнинг мағрур аскарчалари!

Оқшом сенга келгум тонг бўлиб!



МАШРАБ

Совуқ асир қилди кулбани ногоҳ,
Бўғотда осилиб қолди-ку қўшиқ.
Билмадим, қилдими бирорта гуноҳ,
Қалбини қайси муз қўйдийкин тўсиб?


Юракка жой солиб олар сатрлар,
Оҳанги аллани келса-да бошлаб,
Нимага у ғамни бунча қадрлар,
Нечун ухлолмайди тонггача Машраб?

ВАҚТ ҲАҚИДА ЎЙ

Кел эй, энди яраш йўлига
Қони қочган дунёни тинч қўй!
Тушунмайсан вақтнинг феълига
Бошинг узра кезади минг ўй.

Минг бир хаёл айланар, ё раб,
Ҳатто бу кун яшамоқ нисбий...
Балки келар кун, бора-бора
Йўқолгайдир фурсатнинг исми

Ва пайсалга солинмас ҳеч иш,
Ҳар нарсага топилар имкон
Оҳ, сен қайга урадирсан бош,
Не қилурсан, вақти йўқ инсон?!



БИЗ ҲАЛИ...

Мени соғинмайди кекса тоқзорлар,
Бегона экинлар пишаверар ғарқ,
Овора кетишар сохта дўст-ёрлар,
Сарғайган далада бир ўзинг илҳақ, -
ОНАЖОН!

Соқинлик бағрида мудрайди тошйўл,
Дуо олиб учар еллар минг бора,
Балки саодатнинг қўнмоғи мушкул,
Магар етмиш бошга бўлгувчи чора, -
ОТАЖОН!

Кунлар ўтиб кетар оч нигоҳ ташлаб,
Осуда хаёлни қилгучи ишғол,
Беҳуда кўрилган ғубордан бошлаб
Афу айлагайсан соддаваш иқбол, -
ОПАЖОН!

Сахий боғларингга қўлим тегмади,
Тушроқ йўлкаларда кезади бир из,
Пойингга тўкилган эрка шом надир,
Биз ҳали бир фажр топамиз қирмиз,
ОФАЖОН!

Биз ҳали бир ажр топамиз!



ТОПИБ ОЛАРМАН БИР ЁР

Оқшом чўқар, кўнгил ғаш,
О, мўъжиза кўрсат юз.
Ҳорғин ҳисларим уйқаш,
Мен-да ғариб, мен — ёлғиз.

Эзиб йиғлагил, кўзим,
Ожиз бўлиб қол, майли.
Ерга сизмадим ўзим,
Кўк бағрига олмасми?

Юрагимни эзма ҳой,
Бекинма тун ортига.
Келгил, дарча бўлгин ой
Мўъжизалар юртига!

Юддузларнинг нурида
Сенга етиб олгум, бас.
Ўтарканман нарига
Мен энди ерлик эмас.

Топиб оларман бир ёр,
Энг ҳалол, энг покиза.
Исмин қўйгум — Вафодор,
Шарифини — Мўъжиза.

Оқшом чўқар, кўнгил ғаш...



ҲАНГОМА

Битта киши бор экан
Ажиб парҳезкор экан,
Кунлардан бир кун боғли —
Сотиб олибди ҳовли.

Ҳафта ўтиб, ногаҳон
Ерга ишлов берган он,
Ўша киши хумда, чин,
Топиб олибди олтин.

Ҳар амали пок экан,
Кўнгли бирам оқ экан,
Ҳовли сотган кишининг
Тақиллатиб эшигин.

— «Бу сеники, — деди, — ол,
Хўп, мен борай, яхши қол!»
Елкасин қисди инсон,
Бу ишдан қолди ҳайрон.

— Тўхта, кетиш йўқ! — деди,
Худодан сал қўрқ, деди.
Мен ер сотдим-ку, яъни
Ундаги бор нарсани...

— Мен-чи, деди наргиси,
Тезроқ келиб боргиси,
— Фақат қуруқ ер маним,
Олтин эмас олганим!

Хуллас, тортишиб анча,
Олтинларни олганча,
Учрашдилар қозига,
Қулоқ тутиб сўзига.

— Энди бундоқ бўлди гап,
Қози сўрди гўлдираб:
Недир олтиндан зиёд
Борми сизда зурриёд?

Бири деди: — хусндор,
Бўйга етган қизим бор.
Иккинчиси: — Боақ
Бордир паҳлавон ўғил.

Қози кулди: — Кўп яхши,
Бас энди олтин баҳси.
Никоҳдангиз иккини,
Бериб тилло ҳаққини.

Бу фикрдан бўлиб шод
Қайтиб кетди икки зот.
Тўй зўр ўтди шунақа,
Қолган олтин — садақа!

НАВОИЙ БИЛАН

Замон билан сарсон гулбадан,
Мен мозийга кўчиб кетаман,
Армон асир қилган кулбадан
Қанот ёзиб учиб ўтаман.

Қайда қолди менинг ўз ўрним?
Яссавийни соғиндим жуда,
Тунов куни Машрабни кўрдим,
Мўралади менга дарчадан.

Юрагим-эй, бўзлама куйиб,
Тилло бешик-мозийга белан.
Бошгинангни кўксига қўйиб,
Йиғласайдинг Навоий билан!

ИШҚ ҚАСИДАСИ

Кўзларимда йиғлайди дунё,
Тушларимга киради севгим.
Келар ишқли дилимга шайдо
Муҳаббатдан шеър айтиб бергим.

Вужудимда отар оппоқ тонг,
Нурга тўлар кўнгил воҳаси.
Ўн саккиз минг юртга уриб бонг,
Учиб келар ишқ илоҳаси.

Айланди-ю бош узра бир зум,
Фойиб бўлди ўша заҳоти.
Хўрланмади эҳ, менинг орзум,
Тегиб ўтди битта қаноти.

Бу кеч мени кутмаган балки,
Зор бўлганман унга қанча йил.
Бу кеч энди ой чиқмас балқиб,
Осмон бўйлаб сузиб кетар Дил.

Вужудимда отаётир тонг,
Эса бошлар илоҳий насим.
Кулбам узра сокин, паришон,
Пайдо бўлар Ишқ илоҳаси.

Хушдан маҳрум қилару ҳусни,
Оча бошлар кўксим авайлаб.
«Ошиқ» деган оғир бир сўзни
Юрагимга кетмишдир жойлаб.

Нега сира бўйсунмас кўзлар,
Кечалар ҳам кечмиш бетартиб.
Мен уни ҳеч бормадим излаб,
У ҳам бошқа келмади қайтиб!

Шундан бери эмасман танҳо,
Ёлғизликни севардим гарчи.
Еб юрибман очликдан гоҳо
Юрагимнинг пўстини арчиб.

Менга сизмай қолди бу дунё,
Беҳабардай қолди ишимдан.
Ишқим қайта бўлмади бунёд
Кўнгила узиб кетди ҳушим ҳам.

Мен ўзимга ишонмай қўйдим,
Ачинмоққа етмайди кучим.
Энг покиза азобда куйдим,
Энг беғубор севгини қучиб!

Кўпчиликдан ўзни ажратдим,
Кўнгиларда қолди совуқ из.
Бир нур бўлиб фажрга қайтдим,
Тунлар етим қолди шуурсиз.

Битта фариштани билардим, -
Маъюсликнинг ёлғиз қироли.
Сездим, уни мафтун қиларди
Ҳали нокашф ишқнинг ороли.

Дардим унга айтдим дафъатан,
Эркни ҳада қилдик хаёлга,
Истадигу, ишқли, беҳатар, -
Учолмадик мовий оролга.

Яна опшоқ отаётир тонг,
Эса бошлар илоҳий насим.
Нурга тўлиб бир зумда ҳар ён
Учиб келар ишқ илоҳаси.

Қўлларимдан тутиб, елкага
Бошин қўйди, юмди кўзларин.
«Уч мен билан ишқли ўлкага,
Бунда йўқдир севган дўстларинг»

Мен ўзимдан кечдим сеҳрдан,
Асир бўлиб учдим, толмадим.
Учмоқ қандай оромбахш, эркам,
Сизни наҳот чорлай олмадим?

Шундан бери эмасман ёлғиз,
Макон олис — севгили воҳа.
Атрофимда кезгайдир ҳолсиз,
Кетишга ҳеч қўймас илоҳа.

Бизни боғлаб турар бир ришта,
Муҳаббатнинг бугун, эртаси.
Яшажакмиз озод, саришта,
Бўлиб ишқнинг ёлғиз эркаси!

ЧОЛ

Чол ўтирар соҳил бўйида,
Қора тук йўқ соқол-мўйида.

Қалин китоб очикдир қўлда,
Хаёл кезар лек ўлда-жўлда.

Яқинлашиб келарди шу он,
Қирғоқ сари йигит ва жувон.

Чор тарафга қарайди бир-бир,
Ким бор дея олар хавотир.

Хув узоқда одамлар кезар,
Кимдир ётар, баъзиси сузар.

Сумкасидан олиб бир мато,
Қилмай дея каттакон хато, -

Тўсиб туриб дарров бир-бирин,
Ечиндилар икков яширин.

Кетишди сўнг жимгина сузиб,
Чол хаёлин қўйдилар бузиб.

У ўйлади: қандоқ экан соз,
Ҳаё бўлса инсонда бир оз.

Қилги келар дунёга хитоб,
Чол китобин ёпару шу тоб,

Ахир уят бор экан ҳали
Деб кампирга кетар айттали.

ВАТАН УЧУН

Битта қўшиқ айтиб, ё бир битиб шеър,
Ватанни севмоқлик мумкинми? Қайдам...
Тинмайин айланиб чарчамаган ер,—
Пешонага ёзилган Ватан,
Севилар қандай?

Балаңд гап айтганлар кериб кўксини,
Ариққа ётмасми «ур!» деса биров.
Ким миллат дардидан юрар ўксиниб,
Ҳам ширин жонини ким қўяр гаров?

Оғир очилар-ку элнинг эшиги,
Ўзингга ишониб яшасанг басдир!
Балки Ватан учун кимнинг қўшиғи
Кимнинг ажиб шеъри лозим эмасдир.

Лекин бир кун келиб, танг қолган маҳал,
Қўйнимга тўкилсин десанг гар фойда.
Битта солиҳ фарзанд улғайтир ақал,
Бир кўкат ўстиргин тап-тақир жойда!

ИЖАРАЧИ

Бутун мамлакатда мингта уйи бор,
Қайга борса топар ошу нонини.
Бир кун бахти кулиб, бўлса-да пулдор,
Уй сотиб ўтирмас қийнаб жонини.

Бу ёғи ўттиздан ошган, ким билар,
Боғлаб қўйилганмас ахир умр ҳам.
Фақат гоҳ жимгина дилни тимдалар,
Сал-пал эзиб қўяр битта ташвиш-ғам.

Яъни бола-чақа, хотин икковлон.
Жонига тегади ижара турмоқ.
Қачон уй бўлар деб қилар тўполон,
Наҳот бўлаверар Ватансиз юрмоқ?

Балки ачинардир танишу жўра,
Лекин дунё ишин қилади кулгу.
Топган-тутганини ўзидан кўра,
Атрофнинг бахтига сарфлайди У.

Шу тахлит яшамоқ унга зўр чирой.
Эрта бошқа уйга кўчмоққа шайдир.
Бутун ер устини қилиб олмиш жой,
Бир кун ер остини Ватан тутгайдир!



ЮРАК, ҲАЛИ...


Бир кун ўтиб кетар шунчаки,
Қисқаради йўл бахтга қарши,
Йўқ, эмассан кеча кундаги,
Буткул ўзга бу кўнгил тарзи.

Ўйлама, ҳеч ўлган эмассан,
Мавжудликни қилмадинг қанда.
Юрак эссиз, эсиз қуруқ тан,
Эсиз шунча бандалик, банда.

Умр – Худо берган бокира,
Ҳаётингни турар тўлдириб.
Келмасмиди яшагинг сира,
Ким наф топар сени ўлдириб?

Умидим — зўр паҳлавон келбат -
Турар мулзам минг узр айта:
«Эрта бахтинг кулгайдир албат,
Ва умрингни бошлагунг қайта!»

Бугун эса ўтди, ё Раббим...
Қоларми деб хуш ис ва кўлкам,
Уриб турар кўксимда қалбим,
Демак,
Ҳали тирикмиз, эркам!
Юрак, ҳали тирикмиз, эркам!



СЕН...

Сен на душман ва на дўстимсан,
На бир жоним олгувчи дилдор.
На чуқур жар, на-да устунсан,
Хунукмас, ҳам эмассан гулдор.

Юрмагайман сенга талпиниб,
Лекин ёруғ кўнглимда борсан,
Лек умримда турган қалкиниқ,
Ҳаётимда узрхоқ орсан.

Неча йилки кетгансан йироқ,
Қўёлмайман елкангга бошим.
Сендан кечай дейману, бироқ
Шунча бирга бўлдинг дилдошим.

Қийналаман гоҳо жон аро,
Айб қўяман фурсат бўйнига,
Оҳ, негайин бунча мен қаро, -
Ҳеч бир нарса сизмас қўйнига...

Бугун сенга суйкалдим қайта,
Ўздан чиқди бот фаросатим.
Сен – шунчаки бир сўзим – майда,
Сен – шунчаки бир аросатим...



БИР КУН...

Дунё кенг деб кетмишдир тўзиб,
Нега келсин ахир орлари,
Эл ичида юргайлар кезиб
Эски шаҳар мардикорлари.

Бола-чақа кетмишдир йироқ,
Интиқ кутар қайтиш онини.
Шу жонларга жўнатса тезроқ
Ҳалол топган битта нонини.

Сал бўлса-да ўсгани қани,
Ёпилар-ку корхоналар бот,
Юз қарич тил бор мақтагани,
Инсоф борми сенда, иқтисод?

Оқсоч она, бормисиз омон,
Ота, қачон топгайсиз ҳузур?
Ҳарқалай-ку, яхшими-ёмон
Бозор, сенинг борингга шукур!

Демишларки, орзуга йўқ айб,
Кексайганда очиб пулдонни,
Жондош, йўлга чиқсанг атайлаб,
Кўрсанг Нью-Йорк, Париж, Лондонни..

Юрагимга ботди бигиздай,
Бир мошнадан жой талошлари..
Катта ойлик иш кўрсам сизда
Эҳ, юртимнинг кекса, ёшлари!

Афсус, ҳозир кетмишлар тўзиб,
Нечун ишга келсин орлари?
Бир кун... шундоқ кетамиз ўзиб,
Биз ҳаммадан кетамиз ўсиб!..
Бизга ишлар бу ернинг эмас
Олис Марснинг мардикорлари!

ТОВАМАЧИ

Ким алдади, алданди биров,
Ёғди ишонч бошига қиров,
Эрта ахир келгайдир сўров,
Ё олма, ё олганни қайтар!

Олишда-ку кирар жон, ё раб,
Рўкач бўлар шухрат-шон, ё раб,
Охир ўзинг боргайсан сўраб,
Ё олма, ё олганни қайтар!

Босма, кўнгил, савоб устига,
Ишлатгандир каму-кўстига,
Ким мол берса, берар дўстига,
Ё олма, ё олганни қайтар!

Бугун битта сичқон қасдида,
Э воҳ, яна қирқ ёрсанг қилни.
Эрта муштдек елканг устида
Осгайдирлар минг битта филни!

Ким алданар, алдайди биров,
Ёғар ишонч бошига қиров,
Бир кун ахир келгайдир сўров...
Ё олма, ё олганни қайтар!



МЕН ҚЎРҚМАЙ ЯШАЙМАН

Мен қўрқмай яшайман, кунларим — ботир,
Кучлидир осмонни кўзлаган хотир,
Қушдек нигоҳимдан учган хавотир,
Бир ишқнинг кўксида битмас жабрим бор.

Ўсаман, оҳ урган тунларим ёнар,
Тонг бўлиб донг қотган йиллар уйғонар,
Бизнинг-да кўнгиллар бўлар тўйхона,
Ойнинг келгунича кундай сабрим бор.

Жон чексам, жонимнинг тиллари оғрир,
Сўнгсиз истақлардан кенгаяр бағрим,
Мен қўрқмай яшайман, шукрим, тангрим,
Дунёнинг бурчида битта қабрим бор!

КЎНГЛИМ ОСМОН ҚАДАР

Кўнглим осмон қадар ўсармукин,
Ёлғон тилларимиз кесармукин,
Рўзи азалгача яшармукин,
Кўҳна дунё, кўҳна дунё!

Ёрилмаган юраклари аёлларнинг,
Бардоши зўр қистовига чаёнларнинг,
Наҳот-наҳот банд этмайди хаёлларинг,
Момо ҳаво, Момо ҳаво!

Тиёлмаган ўзни бойлик, ишратлардан,
Воқиф бўлиб бош тортса фарз, суннатлардан,
Қувилмасми фарзандларинг жаннатлардан,
Одам Ато, Одам Ато!

Қабихликка тўлар қайта йўлларимиз,
Совуқ лойдан бўшамайдир қўлларимиз,
Ўзлигини танимаган элларимиз
Эт Мосуво, эт Мосуво!

Мен-ку умид қилолмасман ҳайвонлардан,
Безиб бўлдим алдагуви шайтонлардан,
Фақат меҳр тилаб ўсгум инсонлардан,
Иншааллоҳ, иншааллоҳ!

БУ ЁғИ БАҲОР

Автобус қўзгалар офир юк билан,
Иссиқдан беркинган мўралар шамол,
Одамлар суҳбатдан тўхтару бирдан
Оҳиста ҳилшираб боради рўмол.

Бу ёғи баҳордир, кезади кўклам,
Йўл узра ям-яшил гилам тўшалар.
Бир-бир учиб чиқар ойнадан беғам,
Адашиб қолишин билган пашшалар.

ҚУШЧА

Бир қуш кузатмишдир дунёни,
Чиқиб кўкка оху фигони,
Амал бору ҳисоб йўқ бугун,
Эрта эса терс келгай бутун.

Чуғур-чуғур қилар митти қуш:
Бул башарнинг наҳот кўнгли тўқ?
Айлама дер асло фаромуш —
Эрта ҳисоб бору амал йўқ!
Эрта ҳисоб бору амал йўқ!

ОЯТ

Бандамиз, ризқ улуғ бўлса гар,
Аллоҳ икром қилди деб айтар.
Неъматни танг қилса, алҳазар,
Шикоятчи бўлурмиз қайта.

Эсга тушар ўтган ҳар юмуш,
Бўғизда тош қотиб қолгай ун.
Оҳ, не учун бўлурмиз хомуш,
Ер даҳшатли қимирлаган кун?

Қайда эдим тириклик маҳал,
Вужудимни босади тошқин.
Охиратга бир эзгу амал
Тақдим этган бўлсайдим кошки!
Кошки!

НАҲОТ-НАҲОТ

Ҳақнинг қўли етди бўғзимга,
Кўнгил маънос тортиб қолди жим.
Шу он савол қилдим ўзимга,
Қайтгум қандоқ, келиб ким бўлдим?

Зотан нуқул чайналди тилим,
Не иш бўлса ютдим ичимга.
Мени ҳаққа қовуштир, ўлим,
Тили кесик жонга ачинма!

Бир кун илдиз отмоқ қасдида
Дил тубига тўкилар сирлар.
Наҳот-наҳот қабр устида
Бўй чўзади рўйи-рост шеърлар.

ҲАЙРАТ

Олисларда қолар юрагим,
Йиллар бўйи чиқмас дарагим,
Пуч пуч бўлар, сарак-сарагим,
Мени бир кун гурбат ўлдирар,

Борлигимни суюди кимдир,
Кимнинг куйиб юргани тимдир,
Ўзни сабр наҳрига шимдир,
Мени бир кун ғийбат ўлдирар.

Етдим дедим, етмаганим кўп,
Ғайрат билан кетмаганим кўп,
Вақтнинг совуқ қўлларини ўп,
Мени бир кун ғафлат ўлдирар.

Қийнаб олса чиқмайди жоним,
Тўкилганда минг қатра қоним,
Ҳаётимнинг энг сўнгги они
Мени ҳайрат, ҳайрат ўлдирар!

РИВОЯТ

Халқ бўлганмиш бир замон,
Пок ниятли, мусулмон.

Сўз йўқ экан шарҳига,
Ҳалол-ҳаром фарқиға

Борармиш, хўп шод экан,
Юрт тамом обод экан.

Бир кун босиб фалокат,
Бўлсин дея ҳалокат,

Келди босқинчи душман,
Лек кириш этилди маън.

Ғазаб ўт олди ёвда,
Шаҳар қолди қуршовда.

Ҳийла ўйланди роса,
Охир этиб хулоса.

Юртга кириш йўлида,
Дарвозанинг сўлида,

Мавжуд эди сув боши,
Халқнинг ризқ-рўзи, оши.

Шундан ҳаёт борарди,
Эл-юртни суғорарди.

Ёв бошлиғи олиб сўз:
«Тоғиб келтиринг тўнғиз!

Сувга ташлангиз сўйиб,
Тўнғиз қонини тўйиб

Ичгач, кўрармиз ҳолин»
Деб силади соқолин.

Айтганини қилди ёв,
Ҳаром билан беаёв

Эл ҳалқумин булғади,
Нонокликка чулғади.

Шундан кейин бемалол
Юртни этилмиш ишғол.

Эл кўздан кетиб нур,
Қайга бурса, қайрилуру

Ҳолга келибди, хор-зор,
Ҳисса: бўлгин сен ҳушёр!

АЛАМ

Бу дунёга на бир эътибор,
На бир парво бирла қаралмиш.
Иблис каби бўлгаю маккор,
Яхшилиқни билмас яралмиш.

Нечун келдим дея сурмас ўй,
Кетмоғин ҳам асло ўйламас.
Тубанлиқда қолиб қаро кўй,
Комилликка ўзни бўйламас.

Ҳаёт гоҳ шўх, гоҳо осуда,
Бир ёнда дўст, бир томон фаним.
Алам қилар менга баъзида
Аросатда яшаётганим.

НАСИҲАТ

Нафс, нимани қилмадинг орзу,
Қай юмушга урмадинг бир қўл.
Бир кун ахир тошу тарозу
Ва келгуси боши бекик йўл.

Ўтинчим шул: очиқ қўйма, бас,
Устинг савоб илки-ла ёнгин.
Гуноҳ ишга қилган бўлсанг қасд
Худо кўрмас бир жойни тошгин!



ДУНЁҚАРАШ

Баланд учган эркин қушим бўл,
Кўрай десанг ўздан узоқни.
Англагайсан: недир қурук, ҳўл
Ҳам қўйилган гулдор тузоқни.

Чиқиш йўлин очиб юбор кенг,
Озод элга кенглик ярашар.
Қушим, сенинг парвозингга тенг
Дунёқараш, дунёқарашлар...

ФИДОЙИ ЭЛ

Ўргимчақдан ўрнак ол, дўстим,
Ўз боласин ҳаёти учун
Ширин жондан айрилару жим,
Едиради ўз гўштин бутун.

Фидойи дўст, фидойи эл, бас,
Асли эрур оловли вулқон.
У ўзига ҳеч нарса қилмас,
У ўзини қилгайдир қурбон!



ИККИЛИК

Замин билан само бор,
Эркак ила аёлдир.
Тун ортида оқ наҳор,
Қуёшдан сўнг ҳилолдир.

Жаннат ила бўлур нор,
Куфр йиқар иймонни.
Тугилмоқ-ла, ўлим бор,
Йўқ қутулмоқ имкони.

Қуруқликка денгиз мос,
Аршга буюк курсидир.
Қалам асли лавҳга хос,
Амал илм дарсидир.

Ҳуснга ишқ кўрикли,
Барча бунга шоҳиддир.
Неки бўлса, шерикли,
Ёлғиз Аллоҳ — воҳид, бир!



БУНДА

Бунда соғлик учун ичилгай шароб,
Тирикчилик учун одам авралар.
Наҳот дил тубию атрофи хароб,
О, қайда қолдингиз дилкаш давралар?

Бунда хотиротнинг уммони саёз,
Тафаккур осмонин соддалик тутмиш.
Минглаб забон мавжуд, бор битта овоз,
Бунда яралмишни асрайди ўтмиш...

Бул муҳит илкида бир синиқ парча,
Устингга ёпасан гина, озорни.
Ахир пайғамбарни билади барча,
Ҳамма тасдиқлайди Парвардигорни.

Лекин соғлик учун ичилгай шароб,
Тирикчилик учун одам авралар.
Мен нурни соғиндим, бу зулмат аро,
Тезроқ қутқарингиз, дилкаш давралар!



МУҲАББАТ

Сен мунгли хаёлдай поксан,
Учса, жон киргизур мунаввар осмон,
Кўзга суртмоқликка арзирли ҳоксан.
Минг турфа сифатсан, ва ҳатто — душмон!

Бир қиз ҳўнграб-ҳўнграб чиқади ҳар кеч,
Муҳаббат, мен сени севмайман, эссиз.
Хотинли йигитдан кечолмайди ҳеч,
Болалик йигитни севади бир қиз.
Муҳаббат...

МИСОЛИ

Шунча дуру жавҳар на ҳожат,
Нега керак ахир бошпана?
Тор лаҳадга етгум ниҳоят,
Бир кун бўлар ахир тош пана!

Кишан солмиш қўлимга бу дам,
Шижоатни қиламан қанда.
Янги кунга босгайман қадам,
Мисоли ҳеч ўлмайдиғандай..



ҲАР ЮМУШНИНГ БОРДИР ЎЗ ВАҚТИ

Ҳар юмушнинг бордир ўз вақти
Ҳар нарсага лозим риоя,
Борми йўқ деб ўтирмас нақди,
Бир хоҳишга йўқдир ниҳоя!

Яъни хотин концерт, кинога
Бормоқликни истайди, лек эр:
– «Уят, ахир қўшни бинода
Ҳатто битта радио йўқ, -дер.

– Мана, тайёр ойнаи жаҳон,
Кўрса бўлар концерт, кинони,
Қойиллатиб етмагани он
Чалиб бергум пианинони.»

Бошқа кун-чи, хотин дабдуруст
Кабобхўрлик ҳақда очар гап.
Эр: «Қўшнимиз неча ойки гўшт
Емас, ҳатто чиқар нон сўраб.

Ана, сенга қанча гўшт-лаҳм,
Котлетми ё бошқа гўшт таом
Тайёрлагин, бўлма бефаҳм,
Қўшнига-да чиқар, вассалом!»

Бошқа бир кун хоҳлайди хотин
Ўқимоққа ҳайдовчиликка.
– «Йўқ нарсага бўлма қўп бетин,
Ўзни ҳадеб қўйма кўрикка!»

Хуллас, яна қанча машмаша,
Балки тўғри, балки хатодир.
Ёш боладай қилиб хархаша,
Истаб-истаб ўтиб кетодир.

Балки эрда йўқ дерсиз хоҳиш,
Лекин асли бунда эмас гап.
Эр тутади ақл билан иш
Мўътадиллик турилар сақлаб.

Балки бордир сизда зўр имкон,
Ҳар истакни этмакка бажо.
Лек унутманг қилмоқни эҳсон
Ҳам эл учун бўлмоққа фидо.

Ҳар юмушнинг бордир ўз вақти,
Ҳар нарсага лозим риоя,
Хоҳишни деб бой берманг бахтни,
Ахир унга йўқдир ниҳоя!

РИВОЖ УЧУН

Мен ўзни бир ишга бермадим тамом,
Магар ривож учун интилдим бот-бот,
Балки кетмоқдаман шовқинсиз, беном,
Турфа давраларда нотаниш, ёт-ёт...

Истайман, не бўлса, айтинг, келтирай,
Бир не умидида юрган бандалар,
Катта гапиришни билмасман сира,
Жиним суявермас локин майдалар

Бир кун баландроққа учгум албатта,
Гоҳ алам, гоҳ завқ-ла бўлур дув-дув гап...
Тўхтанг, оғзингизни очмангиз катта,
Тўхтанг, қанотимни олай тўғрилаб!

БУ БИР ДУНЁ...


бу бир дунё, баъзан ҳеч нарса
истамайсан истакни излаб,
мазлум учун чалинар қарсак,
золим тўрга олингай сизлаб.

бу бир дунё, пулинг борида
ўйламайсан аслингни асло.
бунда ҳар ким иш бозорида
қилгайдир ўз билгича савдо.

бу бир дунё, кўпдир баҳона,
гуноҳ учун тўкилмайди ёш.
девор бориб теккач пешона
ибодатга эгилади бош.

Бу бир дунё - сароб даштида
Қурбонликка сўйилар кўзи.
Бу бир дунё - сувнинг устида
Кўпиклигин билмайди ўзи.

БУ БИР ДУНЁ...



БУНЧАЛАР БАХТИЁР БЎЛМАСАК

Муҳаббат тенглашур басирга,
Кун чиқар Мажнуна, Асирга,
Етти ёт кетсак-да даҳрга,
Бунчалар бахтиёр бўлмасак!

Ишқимиз арзимас баҳоли,
Дўстимиз вафоли-вафоли,
Қийнамас бу дунё хаёли,
Бунчалар бахтиёр бўлмасак!

Бунчалар бахтиёр бўлмасак,
Бахт совуқ нигоқдан қизғонар.
Биз агар вақтида ўлмасак,
Бемаврид кетади ўзгалар.

АҚАЛ БИР БОРА...

Тутмоқ қийин кечар ўзни ҳар доим,
Бехос кимларгадир кўтарилар қўл,
Сен дарғазаб бўлсанг, тартиб мулоим —
Муштак жигарпоранг жавдирар мўлт-мўлт.

Жуда раҳминг келар, сезасан, чиндан,
Ақлингга бир танбеҳ ёзилар ногоҳ;
Ўзинг-ку минг гуноҳ қилсанг-да кунда
Ақалли бир бора чертмади Аллоҳ...

ИЙМОНЛИ ЗОТ ВА ОЗОД ҚУЛ

Қайсидир кун бир иймонли зот
Бор қулларин этибди озода.

Афсус, қуллар чиқмиш беодоб,
Фахш ишларга берилиб шу тоб,

Бири дарҳол чекибди оғу,
Шароб ичиб то кеч қоронғу,

Туролмайин ҳатто оёққа,
Бир йўлчини тутмиш сўроққа:

– Бери кел-да, қўлимдан ушлаб
Мени уйга элтиб қўй, ошна!

Йўлчи юриб у билан бирга
Бошлаб келмиш очиқ қабрга,

Дебди: – Мана, келдик уйингга
Кириб ётгин энди жойингга...

Мастнинг бошдан учибди ҳуши:
– Ўнгими бу ва ёки тушим?

Дея минмиш жаҳл отини
Ва йўлчининг бериб додини

Роса уриб оқизди қонин,
Калтаклардан оғриб кўп жони,

Чурқ этмади йўловчи, ҳолсиз –
«Инсоф бергин!» деб турди ёлғиз.

Кимдир мастни тўхтатди шу он,
– Не қиляпсан, тўхта, ҳей, ҳайвон!

Қора қонга белаянинг зот,
Сени этган эди-ку озод!

Маст бир фурсат қолди-ку шошиб...
Ва қуликда эгилди боши...


Ногоҳ ботди қоп-қаро терга,
Кошки кириб кетсайди ерга!..

Шу лаҳзадан тавба қилди-ю
Кўнглин иймон томон бурди у...

ҚАЛБИМ ИШҚҚА ТҰЛА

Қалбим ишққа тўла...
Лекин қўрқаман,
Лойиқ бўлсам эди бўлмоққа уммат!
Эзгу амаллардан унса бир чаман,
Ғашликнинг ортидан чекинса зулмат!

Қалбим ишққа тўла...
Магар қон тағин...
Эрта шўр бошимга не бўлар қайтим?
Кошки Пайғамбарнинг
ёшлигидаги
Миндириб юрган бир туя бўлсайдим...



БАНДА ВА УНИНГ АМАЛИ

Узоқ умр кўрган бир обид,
Ибодатни этибон собит,

Ҳаққа айлаб беш юз йил сажда
Тасбеҳини этмади канда.

Бир кун етгач ўлимга охир
Ҳақ олдида бўлмишди зоҳир.

Аллоҳ демиш: Эй, фархунда дил,
Раҳматим-ла жаннатга киргил!

Обид айтмиш: Бўлсам, эй Холиқ,
Амалим-ла жаннатга лойиқ...

— Амалларин ўлчангиз дарҳол!
Дея буйруқ қилди Зулжалол.

Фаришталар шу он бўлиб шай
Ул обиднинг битта қолдирмай

Амалларин чиқаркан тортиб
Келтиришди шундайин тартиб:

«Беш юз йиллик банда тоатин
Босиб тушмиш бир кўз неъматин!»

Ҳисса: раҳмат бандага тортиқ,
Амал асло бўлолмас ортиқ!



ЁМФИР ЁҒАР УСТИМДАН...

Ёмфир эмас устимдан
Раҳмат ёғар томчилаб,
Билмам, гуноҳ дастидан
Тушар балки қамчилар.

Бу не, пана қилмоқдан
Соябонми ёпганинг?
Во дариғо, қийноқдан
Қутқарарми чопганинг?

Бир кун азоб фаслида
Ёғар пушмон томчиси
Ҳеч нарсамас аслида
Бу дунёнинг қамчиси!

БИРОҚ ДОИМ...

Биз учундир бу дунё асли,
Бизга эса охират муштоқ.
Фитнадандир оламнинг насли,
Ҳам хиёнат қилмоқ-чун ўртоқ.

Бунда гўё ҳаёт атирли,
Боқ гўзаллик оқибатига, —
Кўрмаганинг нарса қадрли,
Кўрганинг — бир уюм атиги...

Шундай экан, қандай ажаб иш,
Бул фанодан бир нарса кутмоқ.
Гарчаңд дунё биз учун битмиш,
Бироқ доим охират муштоқ,
Бироқ доим охират муштоқ!

ТАВБА

Тонг отаркан, кучли бир одам
Келди ниҳол олдига шаҳдам.

Қўпормоқчи бўлди ниҳолни
Ўйлади: бу ишим муҳолми?

Кўрди: ниҳол илдизлари бор,
Суғурмоқлик балки кўп душвор.

«Кел, яхшиси кейинроқ келгум,
Бугунгидан кучлироқ бўлгум»,

Дея ортга қайтиб кетди ул
Неча йилки унутди буткул.

Лекин бир кун тушиб ёдига
Қайтди миниб тезлик отига.

Кўрди, лекин бўлди у карахт —
Ниҳол эмас, азим бир дарахт

Ўсар эди қаршида бу вақт,
Илдизлари чуқур, бақувват.

Кучим кўп деб суринди роса
Қўпормоққа уринди роса,

Чиранишни бас қилди охир,
Заифлиги бўлди-ку зоҳир.

— Афсус, деди, — ул ниҳол қани, —
Вақт борида суғурмаганим...

Кўп пушаймон келмади ҳеч қор
Гуноҳ, ўти ўчмади зинҳор.

Дарахт бўлмай ул гуноҳ ҳали,
Фурсат толиб тавба қилгали

Шошил, дарҳол оёққа тур, дўст!
Қайта ўсмас қилиб суғур, дўст!

У ДУНЁДА...

Бир инсоннинг тугади умри,
Лек ортидан кўпайди гап-сўз.
«Бисёр эди ул зотнинг шукри,
Ҳалол ишлаб топарди ризқ-рўз.

Ёш эди-я, тагин ортидан
Болалари қолди чирқираб.
Тиним билмай элнинг дардида
Букилганни турганди тираб.

Учраганда кўнгли шикаста
Аҳвол сўраб ўтарди нуқул,
Оҳ, юрсайди қани ўлмасдан
Ҳузур кўрса бўлмасмиди ул?!»

Ўйладим — бу гаплар пуч асли,
Беихтиёр ахир жон-танлар...
У дунёда керак бўлмасми
Бу дунёда тиргак бўлганлар?!

КЕЛ, ҚАЙТА БОШЛАЙМИЗ ЮРАГИМ...

Жисму жон қораймиш губордан,
Не бахт, бир завқ етгай ифордан,
Яшашни ул яшил баҳордай
Кел, қайта бошлаймиз, юрагим.

Умримиз асли-ку ҳайрия,
Фанонинг бақога сайри-я,
Ўтмишнинг бариға хайр дея
Кел, қайта бошлаймиз, юрагим.

Дўст дебон юрганим олчокдир,
Остимда қоп-қаро ботқоқдир,
Вазифам — тонг бўлиб отмоқдир,
Кел, қайта бошлаймиз, юрагим.

Иймон бор — Фазойим ҳулкари,
У бир йўл — умримнинг меҳвари,
Тавбаға — ўлмасдан илгари
Кел, қайта бошлаймиз, юрагим!



АЙОВА

Бир тиниқ сокинлик кўнглимга монанд
Сумалак мисоли дарё — осуда.
Туюлмиш чор атроф лоқайд, беписанд,
Ёнганинг беҳуда.

Шундоқ ёнгинагда исинар қушлар,
Қуёшга ёзмоқчи бўлар қасида.
Юрагим, мунгни қўй, борлиқ-ла хушлан,
Ахир бу — насиба, насиба.
Шаббода, юзингни келар силагим,
Фанимат билайин бу дамларимни.
Тагин қайтаманми, Худо билади,
Соғинтириб кетай қадамларимни!



ИККИ КЎЗ БЕР...

Дунё, очил дастурхон бўл,
Ўқий олай хат каби,
Яшамоқдан ўзга не бор,
Тушунмоқлик — матлабим.

Фурсат, мени ҳоли қўйгин,
Меҳр билан алдама.
Аллақачон бошга битган
Тақдир деган йўлдаман.

Ҳақ йўл тила, хоҳшинг бўлай,
Умр кечсин фидойи.
Сендан қўрқиб йиғламоққа
Икки кўз бер, Худойим!

...

Соғиндим, деб айтмоқлик осон.
Гўё эшик ортида турган
Соя сенинг бўлиб туюлар.
Пар ёстиқнинг остида ухлар
Уйғониб кетади
Боламнинг иси.



Тўлқинлар сояси ўйнайди шифтда,
 Хонамни тўлдирган сукут — олифта,
 Зўриқиб кўтариб турганим кифтда —
 Зил-замбил дунё.

Дедилар: бу дунё бир ўлик мисол,
 Уни олиб бор-да, кўмиб кел дарҳол,
 Наҳот, деб ўйлайсан, кўпаяр савол,
 Секин чиқаман.

Кетяпман, не бўлса бўлди, таваккал
 кўнглимда бир майин хавотир ўрлар.
 Ташла, от, гарқ айла, келмасдан аввал
 Ортингдан ис олиб ўлаксахўрлар...
 Елкам бўшалди...
 Лек ҳануз кўнглимда дунё лаззати.



М.га

Майли, сочларингга қордай оқ инсин,
Майли, ҳасратлардан кўзларинг тинсин,
Рози бўл, юракда мунгла исинсин,
Ўзингни авайла,
Кўнглингни асра!

Бизга нима бўпти аслида ҳаёт,
У — парча қорозга ёзилган баёт,
Тириклик — бир йўлдир — топмоққа нажот!
Ўзингни авайла,
Кўнглингни асра!

Бул ҳазон фаслида кезаркан танҳо,
Ҳали юксакларга учгайсан, аммо
Шунчаки... Ўлмоққа ҳаққинг йўқ асло!
Ўзингни авайла,
Кўнглингни асра!

ҚАНДОҚ АЗОБ

Қайга оқар бу сокин дарё,
Нима кутар уни сўнгида?
Тўлққинлари урмасми фарёд
Қумга сингиб кўзин ўнгида?

Сувинг лойқа,
Лек қалбинг — бегард,
Дарё, сендан бошланар поклик.
Фақат қандай азоб,
Қандоқ дард
Оқибатни билмай оқмоқлик!

У...

У Ватанни ватандошгамас
Ўзгага мадҳ этиб юради,
Кези келиб қолса, бошқамас,
Ўз-ўзини бошлаб уради.

Ҳеч нарсамас унга мансаб, шон,
Эпложмайди менежерликни,
Келаверар ўпгиси ҳар он
Рангдор кўзларидан ҳурликни.

Ҳей, кўлкалар, нияти нософ,
Қанотини кесманг бу жонни,
Қобифида юрганда атроф,
Забт этар у бутун жаҳонни!




ЛАЙЛАТ-УЛ ҚАДР

Гул кўнгилдан кетмамиш тўзим,
Нафсининг минг хил ғавғоси надир?
Ўн икки ой тўрт бўлди кўзим,
Бир йил кутдим лайлат-ул қадр.

Қайта янги туғилди олам,
Умримни оқ дуога чайдим.
Эрта сари учдим хаёлан,
Ҳар қунимга шукрона айтиб.

Шул фажрда ҳал бўлмиш умрим,
Артилгайдир йўл ғуборини.
Зулжамолдан бир ҳаёт сўрдим...
Кўргум пешонада борини.

Кўргум, учиб бораркан эрким,
Жон кўрмаган мовий диёрга,
Айтур: бир кун у ёқдан келдим,
Кетгум яна Парвардигорга!



ЭРКЛИК СИРТМОҒИ


Бир кун очик мактуб бўлади асрор, —
Очилиб кетади қозон қопқоғи.

Айни фурсат эрур бўлмоққа иқрор,
Кучингиз етарми, эрклик сиртмоғи?

Урилган, эзилган, қақшаган жонлар
Чиқиб келаверар қон зиндонлардан,
Ҳақдан сўз очганда куйик забонлар,
Ҳурлик қанот қоқар хиёбонларда.

Ҳозирча... Қўлларнинг калталиги бор,
Тўлиб бораверар қабр бошлари.
Надомат илкида сўлар бир иқрор -
Ҳали ёрилмайди сабр тошлари!

Лек бир кун ҳаммага очилар асрор,
Ҳақдир зулумотнинг эриб битмоғи!
У пайт эл кўзига қараш-чун такрор
Кўзлар топиларми, эрклик сиртмоғи?!



ОТА-ОНАЖОН

Баъзан қўлим калта: йўқдир нанотим,
Ўртада чўзилган биргина довон.
Менинг-ку чопмоқда учқур ҳаётим,
Сиз-чи, сиз қандайсиз, Ота, Онажон?

«Яхшимиз, омонмиз, беадад шукур...»
Ўртачилик қилар симсиз телефон.
Отам билинтирмай уҳ тортар чуқур,
Билдирмай жимгина йиғлар Онажон.

Дуолар кенг қулоч ёзар тонготар,
Орзум дунёсига ўрлар ҳаяжон.
Сизга зўр машина оберсам, ота,
Ҳажга жўнатолам эди, онажон.

Тоғу тошни кезган эркин жайронман,
Ҳақ деб ғимирлаган жонимиз тирик.
Шукронам: гарчи бир қасри вайронман,
Лекин УСТУНЛАРИМ эмасдир чирик!



ЮРТ

Сени бор дунёдан айро кўрмадим,
Ёрқин мақтовга ҳам қилмасман тоқат.
Балки заминдирсан бебаҳо, қадим,
Балки само суйган азамат хилқат.

Гап фақат шундами, ахир саодат
Қучса бўлаверар ўзга элда ҳам,
Ё илиқ жонингга етса жароҳат
Топилур беғараз қўйилур малҳам.

Балки сендалигим бахтдир бир тугал,
Қувончим ҳам балки ғашликдан бисёр,
Лекин кўнгилдан бир кулишдан аввал
Ўзни қайғу учун сезаман айбдор.

Сени бор дунёдан кўрмасман айро,
Дил ҳам бир ўлкага боғланган жонмас.
Фақат шул сўровим: кенгликлараро
Нечун бутун олам Ўзбекистонмас?!



СИР БЎЛИБ

Сир бўлиб илкинга қайтаман, осмон,
Сизда ҳаққим қолар, нурлар, япроқлар.
Ўзимга яшаш-чун бермадим имкон,
Ўтмасман андуҳкаш қалбни ардоқлаб.

Қароқ инжиқлигин бошдайди қайта
Ёмғирларда қолган кузакни эслаб.
Азизим, биз ахир эмасмиз майда,
Кўнгилдан бемалол чиқамиз қишлаб!

Илкинга сир бўлиб қайтаман, осмон,
Нигоҳим пойингда сўнар, жаҳоним.
Ўзимга яшаш-чун бермадим имкон,
Сени севмоққа ҳам йўқ ҳеч баҳонам!



СОҒИНТИРИБ КЕТГУМ ҚАДАМЛАРИМНИ

Муҳаррир: *Зулҳумор Мирзаева*
Мусаввир: *Акмал Икромов,*
Рустам Зуфаров
Саҳифаловчи: *Суннат Пўлатов*

Босишга рухсат этилди 18.04.2006 й. Адали 600 нусха.
Бичими 60×84 1/16. Нашр табоғи 19,0 б. т. Шартнома №Г-30.

«Истиқлол» нашриёти, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

«Раззоқов О.Ж» ХТ босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 87.
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.